

## Бангладешда Ислом хаттотлиги бўйича семинар ўтказилди



15:30 / 01.04.2021 1345

Бангладешда Эрон маданият атташеси билан ҳамкорликда мамлакатдаги диний мактаблар талабалари учун Ислом хаттотлиги бўйича семинар бўлиб ўтди.

Iqna.ig манбасининг хабар беришича, ушбу семинар Бангладешнинг Дакка шаҳридаги Баридар фуқаролик жамиятининг диний мактаб ўқувчилари учун 60% чегирма билан тақдим этилди.

Бангладешнинг «Сафа Хут» институти раҳбари Сайфуллоҳ Сафа ва Дизайн ва расм гуруҳи, Эрон маданият атташеси, Даккадаги хаттотлик ўқитувчиси ушбу семинарнинг мураббийлари бўлиб, унинг фаолияти ҳар доим маданият атташеси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Сайфулла Сафа ушбу семинар ҳақида қуйидагиларни айтди: «Биз ушбу дастурни соғлом маданиятни ривожлантириш мақсадида ташкил этдик. Диншунослик мактаблари талабалари иқтидорли. Мен улар билан ишлашни хоҳлайман».

Таъкидлаш жоизки, Ислом хаттотлиги дунёдаги энг муҳим санъат турларидан бири бўлиб, ушбу санъатдан фойда олиш талаби доимий

равишда ўсиб бормоқда.

Сўнгги пайтларда Бангладешда хаттотлик санъати кенг тарқалган ва диний мактабларда ўқувчилар хаттотлик билан кенг шуғулланмоқдалар. Бироқ, ушбу санъат бўйича талабаларга сифатли таълим етишмаслиги сабаб муваффақиятга эриша олмаяптилар.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***